# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

планларини идеология воситалари билан таъминлаш соҳасида ижобий тажриба орттирдилар. Халқ депутатлари Советларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг тарбиявий роли ошди. Ижодий союзларнинг фаолияти яхшиланмоқда, ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларига матбуот, телевидение ва радионинг таъсири кучаймоқда.

Интернационал тарбия, СССРнинг, социалистик Арманистоннинг тарихий ютуқларини пропаганда қилиш соҳасидаги иш сермазмун бўлиб қолмоқда. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллигига тайёргарлик авж олдирилмоқда. Партия, комсомол комитетлари ёшларни совет Ватанимиз учун фахрланиш, ватанпарварлик бурчини ва интернационал бурчни бажаришга ҳозирлик руҳида тарбиялашга доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Ереван, Ленинакан, Кировакан шаҳарлари меҳнаткашларининг намунаси асосида ишлаб чиқариш бригадаларининг мактаблардаги синфларни ва мактабгача тарбия муассасаларини оталиққа олиши оммалашиб бормоқда. Ҳамма жойда рус тилини чуқур ўрганиш учун шароит яратилмоқда. Ҳуқуқни пропаганда қилиш, ичкиликбозликка қарши кураш кучайтирилмоқда, ҳуқуқ бузиш ҳоллари бирмунча камайди.

Шу билан бирга Компартия Марказий Комитети, шаҳар ва район партия комитетлари идеология, оммавий-сиёсий фаолиятни КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари асосида суст такомиллаштирмоқдалар, бу ишнинг амалий вазифалардан, реал социал-иқтисодий жараёнлардан ажралиб қолиши тўла-тўкис бартараф этилгани йўқ. Идеология иши ҳали ҳар бир коммунистнинг иши бўлиб қолган эмас. Бир қанча партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида аҳолининг турли категориялари билан ўтказиладиган тарбиявий ишнинг самарали системаси вужудга келтирилмаган, ишларнинг аҳволи чуқур ва танқидий анализ қилинмайди, беғамлик ва хотиржамликка йўл қўйилмоқда.

Айрим партия комитетлари одамларни тарбиялашдаги нуқсонларни тугатиш чораларини кўришда сиёсий ўткирлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар. Ғоявий-тарбиявий ишга раҳбар кадрлар дуруст жалб этилмаяпти, уларнинг кўплари партиявий-сиёсий маълумотга эга эмас. Партия ўқувида дабдабабозлик тугатилмаган.

Партия аъзолигига кандидатлар ва бир йилгача стажга эга бўлган коммунистларнинг қарийб учдан бир қисми ёш коммунистлар мактабларида ўқимаяпти. Комсомол сиёсий маорифидаги пропагандистларнинг атиги ярмиси ва иқтисодий таълим системасидаги пропагандистларнинг 27 проценти КПСС аъзоларидир.

Аҳолини атеизм руҳида тарбиялашда катта камчиликлар бор. Айрим илмий тадқиқотларга, бадиий асарларга, тарихий воқеаларга ва шахсларга баҳо беришда синфий ёндашиш сезилмаяпти.

Кўпгина партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари давлат план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаяптилар. Иш вақтининг зое ўтиши кўплаб содир бўлмоқда. Республиканинг ҳар тўрт корхонасидан бири маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажармаяпти. Саноатда меҳнат унумдорлигини ўсиши билан иш ҳақининг ошиши ўртасидаги норматив нисбатга риоя этилмаяпти. Уй-жой, касалхоналар, болалар боғчалари қуриш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқлари бажарилмаяпти — ишга туширилаётган объектларнинг сифати ҳали ҳам паст. Коммунал хўжаликда ҳали ҳам кўпгина ҳал этилмаган масалалар бор.

Партия ва совет органлари кадрларни тайёрлашда ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда катта нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Станокчилар, пайвандчилар, тўқимачилар етишмай турган бир пайтда техника билим юртларида заргарлар, ошпазлар, сартарошлар кўплаб тайёрланмоқда. Қурилаётган чораларга қарамай меҳнатга лаёқатли аҳолининг анчагина қисми жамоат ишлаб чиқаришига жалб этилмаган, енгил-елпи ишларга борувчилар камаймаяпти. Порахўрлик, чайқовчилик, юлғичлик, ошна-оғайнигарчилик сингари салбий ходисаларни бартараф этиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмаяпти.

КПСС Марказий Комитети Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг зиммасига КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишда бошланган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаб ва ривожлантириб, кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш вазифасини юклади. Омма орасидаги бутун ташкилотчилик ва идеология фаолиятининг мазмуни, услуби ва методлари партия талабларига қатъий мувофиқ ҳолга келтирилсин. Бевосита меҳнат коллективларидаги, бригадалардаги, фермалардаги ғоявий-тарбиявий ишни яхшилаш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Пропаганда ва агитация, меҳнаткашларнинг социалистик мусобақаси 1984 йилги планни ва умуман беш йиллик планларни сўзсиз бажаришга, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратилсин. Шахсий беш йиллик топшириқларини улуғ Ғалабанинг 40 йиллигигача бажариш мажбуриятини қабул қилган илғор меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббуси ҳар томонлама оммалаштирилсин. Экономикани интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтириш, республиканинг фан-техника ва ишлаб чиқариш имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш масалалари доимо партия ва жамоат ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг, оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлсин. Ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, олимлар ўн иккинчи беш йилликдаги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини тузишга кенг миқёсда жалб этилиши таъминлансин.

Партия комитетлари, совет, касаба союз, хўжалик органлари меҳнат аҳли ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилишлари лозим. Уй-жой, социал-маданий объектлар қуриш планларини бекаму кўст бажаришга эришилсин, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иши яхшилансин, коммунал хўжалик ва маиший хизматни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин. Республика алоқа ва соғлиқни сақлаш министрликларининг намунаси асосида меҳнат коллективларида одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга даъват этилган идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбар ходимларининг ҳисоботлари мунтазам равишда ўтказиб турилсин. Тарбиявий ишнинг моддий базаси мустаҳкамлансин, 1985 йилда район ва шаҳарларда маданият-спорт комплексларини барпо этиш ниҳоясига етказилсин.

Ўртоқ К. У. Черненконинг халқ контролёрлари Бутуниттифоқ кенгашидаги нутқида баён этилган йўл-йўриқларга мувофиқ партия комитетлари, партия ташкилотлари салбий ҳодисаларга қарши, социалистик қонунчиликни бузиш ва аҳлоқсизлик ҳодисаларига қарши курашни кучайтирсинлар.

Арманистон Компартияси Марказий Комитети, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни марксча-ленинча дунёқараш, ижтимоий ҳодисаларга синфий ёндашиш, юксак сиёсий сергаклик руҳида изчиллик билан вояга етказишлари, уларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялашлари керак. Раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда аҳолининг миллий состави тўлиқроқ эътиборга олинсин.

Партиявий ва иқтисодий таълимнинг ғоявий-назарий савияси ва таъсирчанлиги оширилсин, пропагандистлар, агитаторлар, лекторларнинг состави мустаҳкамлансин, жамоатчилик асосидаги сиёсий маориф кабинетларининг тармоғи ривожлантирилсин.

Оммавий-сиёсий ишга Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, кекса ишчилар, партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгроқ жалб этилсин. Оммавий ахборот воситалари совет турмуш тарзини яққол ва мароқли тарғиб қилсинлар, хўжасизликка, интизомсизликка, маҳаллийчиликка дадилроқ қарши чиқсинлар, аҳолини атеистик руҳда тарбиялашни яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўрилсин, янги социалистик урф-одатлар активроқ жорий этилсин. Олий ўқув юртларида, марксизм-ленинизм университетида илмий атеизм мутахассислари тайёрлаш ташкил қилинсин. Жамиятшунос олимларнинг диққат-эътибори иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий турмушни чуқурроқ ўрганишга, идеология ишини республиканинг хусусиятларини ҳисобга олиб такомиллаштириш юзасидан пухта асосланган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилсин.

КПСС Марказий Комитети партия, совет органлари, комсомол ташкилотлари ёш авлоднинг гражданлик камолоти тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, оила, ўқув юртлари, меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим, деб таъкидлади. Йигит ва қизлар юксак ғоявий-ахлоқий фазилатлар, чуқур интернационал онг соҳиби қилиб вояга етказилсин. Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти қатъият ва собитқадамлик билан амалга оширилсин, ишлаб чиқариш таълимининг замонавий базаси вужудга келтирилсин. Халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ мутахассислар ва ишчилар тайёрлаб берилсин. Ёшларнинг мамлакат зарбдор қурилишларида ишлаш иштиёқи қўллаб-қувватлансин.

Республика Компартияси Марказий Комитети, партия комитетлари илмий ва ижодкор зиёлилар орасида ғоявий, маънавий ва эстетик талабчанлик вазиятини доимо қарор топтиришлари зарур. Социал заказ практикаси кенгайтирилсин, маданият усталарининг самарали ижодий изланиши қўллаб-қувватлансин. Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кинематографчилар союзларига меҳнат коллективлари билан, Совет Армиясининг жангчилари, чегарачилар билан оталиқ алоқаларини ривожлантириш тавсия этилсин. Кўп миллатли социалистик маданият ютуқлари активроқ тарғиб қилинсин.

Республика Компартияси Марказий Комитетига, шаҳар, район партия комитетларига тарбия масалаларига мунтазам, комплекс ёндашишни амалда рўёбга чиқариш, перспектив, программа — тармоқ планлаштиришини жорий қилиш тавсия этилди. Ғоявий таъсир ўтказувчи ҳамма воситаларни мувофиқлаштириб туриш, ижобий тажрибани тўплаш ва оммалаштириш билан шуғулланувчи идеология комиссияларининг фаолияти яхшилансин. Партия комитетлари биринчи секретарларининг, тармоқ бўлимларининг, республика министрликлари ва идораларининг одамлар билан олиб бориладиган сиёсий иш учун, идеология, ташкилотчилик, хўжалик фаолиятининг чамбарчас бирлигини таъминлаш учун масъулияти оширилсин. Партия турмуши нормаларига хилоф иш тутган, меҳнаткашларни тарбиялашда шахсан қатнашишдан бўйин товлаган раҳбарлардан қаттиқ жавоб талаб қилинсин. Идеология кадрларининг назарий ўқиши ва профессионал маҳорати такомиллаштирилсин. Партия ташкилотлари секретарларининг ғоявий-тарбиявий иш билан шуғулланувчи ўринбосарлари, партия группа ташкилотчилари ва ишлаб чиқариш бригадалари партия ташкилотчиларининг ўқиши йўлга қўйилсин.

КПСС Марказий Комитети республика Компартияси Марказий Комитети, Министрлар Совети зиммасига меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, республикалараро ташкилий равишда ишга қабул қилиш соҳасидаги ишни кучайтириш вазифасини юклади. СССР Госпланига ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар Давлат комитетига манфаатдор министрликлар билан биргаликда 1986 — 1990 йилларга ва истиқболга мўлжалланган план лойиҳаларида республикада саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантиришни кўзда тутиш тавсия қилинди.

# ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАРТИБ ЎРНАТИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРИМИЗНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда)

майдиган чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади. Куч ва ресурслар қандай тақсимланганлигини яна бир бор кўриб чиқиш, уларни ўртада турган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш, куч ва ресурсларни ишга тушириладиган объектларга жамлаш, 1984 йилги план ва социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва айни вақтда беш йилликнинг тугалловчи йилига тайёргарлик ишларини кенг кўламда олиб бориш лозим.

Республика халқ хўжалигининг барқарор ва муттасил ривожланиши кўп жиҳатдан агросаноат комплексининг иши билан белгиланади. XVI пленумдан кейин қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, Озиқ-овқат программасини жадаллик билан амалга ошириш учун бир қанча принципиал муҳим тадбирлар кўрилди. Пахта тайёрлаш системаси ўзгартирилди, пахтага унинг сифати ва толасига қараб ҳақ тўлашга ўтилди. Дастлабки натижалар ҳозирдаёқ яққол кўриниб турибди. Пландаги тола чиқиш нормалари ошириб бажарилмоқда.

Пахта тайёрлашнинг янги системаси йиғим-терим ишларини ташкил этишни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Ҳозирча ҳамма жойда ҳам шундай қилинаётгани йўқ. Кўпгина колхоз ва совхозлар шаҳарликлар билан ўқувчиларнинг ёрдамига умид боғламоқдалар, ишчи ва колхозчиларни пахта теримига сафарбар этмаяптилар. Пахта териш машиналаридан ниҳоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Пахта териш кампанияси — барча кадрлар учун қатъий имтиҳон, конкрет амалий ишга оммани сафарбар эта билишга синовдир. Партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари етиштирилган бутун ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, ундан 1 миллион 800 минг тонна тола олиш учун одамларни сафарбар этишлари, терим конвейерини аниқ-пухта ташкил этишлари керак. Буни биринчи навбатдаги хўжалик ва сиёсий вазифа деб, Ўзбекистондаги ҳар бир меҳнаткашнинг шон-шараф иши деб билиш зарур.

Республика пахтакорлари бу вазифани ҳал этишни уддалайдилар, деди пленумда Қашқадарё область Нишон районидаги Ч. Бегимқулов номли совхоз бригадири А. Н. Носирова. Далаларда ҳалол меҳнат билан эмас, балки алдамчилик йўли билан илғорлар қаторига чиқиб олишга, мўл ҳосил устаси деган шуҳратни эгаллашга уринаётган кимсаларнинг ҳаммасини фош этиш керак.

Пленумда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш тўғрисида гапирилди. Дон тайёрлаш плани фақат 56 процент бажарилди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий областлари айниқса орқада қолмоқда. Давлатга картошка, сабзавот, мева, узум топширишнинг бориши жиддий ташвиш туғдирмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришга доир амалга оширилаётган тадбирлар XVI пленум талабларига мос келмаяпти. Бунда гўшт, сут, тухум етиштириш ҳамда тайёрлашнинг ялпи кўрсаткичларигина қисқариб қолмай, молларнинг маҳсулдорлиги ҳам пасаймоқда, сут соғиб олиш камаймоқда. Чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш ва уни нобудгарчиликсиз ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришиш вазифаси қўйилган.

Пленумда тубдан ҳал қилиниши талаб этилаётган яна бир проблема тўғрисида гапириб ўтилди. Бу — ердан фойдаланиш проблемасидир. Ерларнинг реал балансини аниқ белгилаш пайти келди. Майдонларда экинларнинг жойлаштирилишини, алмашлаб экиш участкаларидан қандай фойдаланилаётганини эътибор билан кўриб чиқиш лозим. Ҳисобга олинмаган ерлар эвазига ҳосилдорликни ошириш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйиш керак. Бунда қаттиқ тартиб ўрнатиш пайти келди.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг, уларнинг агросаноат комплексидаги шерикларининг юмушлари кўп. Уларнинг куч-ғайратларини колхоз ва совхозларда вужудга келтирилган потенциалдан олинадиган самарани анча оширишга, ҳар бир хўжаликда дала ва фермаларнинг энг кам чиқим билан, юқори сифатли маҳсулотни кўпроқ олишга қаратиш зарур.

Пленум хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг ишидаги камчиликлар бартараф этилишини талаб қилди. Бу йил чакана товар обороти, маиший хизмат кўрсатиш планлари сурункасига бажарилмай келмоқда, кундалик зарур моллар савдо-сотиғида узилишларга йўл қўйилмоқда, бунга эса савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари, «Ўзбекбирлашув» раҳбарларининг эътибори неча марталаб жалб этилган эди. Аммо ҳозирча иш услуби ва методларини ўзгартириш борасида керакли хулосалар чиқариб олингани йўқ. Тўққиз ой ичида аҳолига пландагидан 262 миллион сўмлик кам мол реализация қилинди ва 20 миллион сўмлик кам хизмат кўрсатилди.

Иқтисодий иш масалалари халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу соҳада ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Кўпгина раҳбарлар халқ пулини эҳтиёт қилмай қўйдилар, молия интизомига риоя этмаяптилар. Шу йилнинг ўзидаёқ республикада унумсиз харажатлар 100 миллион сўмдан ошиб кетди, бунинг учун айбдорлар эса камдан-кам жавобгарликка тортилмоқда. Масалан, «Узкаракульпром»га қарашли совхозларда молларнинг нобуд бўлишидан кўрилган зарар 6 миллион сўмликдан ошиб кетди, айбдорлардан эса фақат 10 минг сўмгина ундириб олинадиган бўлди. Хўжаликларимизнинг барча раҳбарлари халқ бойлигини тежаб-тергаб, уни авайлаб-асрайдиган бўлишлари керак, бундай қилишни истамаётган кишилар эса лавозимларидан олиб ташланиши лозим.

Пленумда айтиб ўтилганидек, кейинги вақтларда аниқланган қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, ҳамма ишни яхши қилиб кўрсатиш каби фактларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларга ғоят қатъийлик билан чек қўйилади, бу масалада ҳеч кимга юз-хотир қилинмайди. Ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун статистика органларининг масъулиятини ошириш керак. Қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликка қарши кураш самарадорлиги кўп жиҳатдан халқ контроли органларининг фаолиятига боғлиқдир. Халқ контролерлари ўтказилаётган текшириш сифатини оширишни, салбий ҳодисаларнинг олдини олишни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар, деб таъкидлади ўз нутқида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров.

Халқ хўжалигида проблемалар оз эмас. Уларни ҳал этиш учун республика бошқариш органлари —Министрлар Советида, Госпланда ҳам, шунингдек жойларда ҳам мунтазам суратда қунт билан ишлаш керак.

Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Х. И. Исманов ва бошқа нотиқлар социал-психологик иқлимни соғломлаштириш жараёни партия комитетларининг собитқадам сиёсий-тарбиявий ишлари билан тўла-тўкис мустаҳкамланиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳолбуки, идеология фронтининг ходимлари ҳали вазият талаб этаётганидек ҳаракат қилаётганлари йўқ. Расмиятчилик, дабдабабозлик, тарбия ишининг самарадорлигини ўтказилган тадбирларнинг сони билан белгилашга мойиллик ҳозирча суст бартараф этилмоқда. Оммавий-сиёсий иш кўпинча умумий иборалардан иборат бўлиб қолиб, меҳнат коллективларининг конкрет ишлари ва проблемаларига кам дахлдор бўлмоқда. Камчиликлар баъзида юзаки, журъатсизлик билан кўр-қа-писа танқид қилинмоқда, йўл қўйилган хато ва нуқсонлар дарҳол бартараф этилишига ёрдам бермаяпти.

Одамлар онгида ўтмиш реакцион сарқитларининг социал хавфига етарли баҳо берилмаяпти, динга нисбатан муросасизлик туйғуси сусайиб қолмоқда. Бир қанча партия комитетларида идеология министрликлари ва идораларида ҳали етарлича ҳужумкорлик кайфияти йўқ. Йиғилишларда атеистик ишни кучайтиришни ёқлаб чиқиб, ўзи эса диний расм-русмларга риоя қилаётган коммунистларга нисбатан муросасозлик қарор топган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин оммавий ахборот воситаларининг ишида ҳали муҳим ўзгаришлар рўй бергани йўқ. Меҳнаткашларни тўлқинлантираётган мавзу ва масалаларнинг ўткирлиги матбуотда эндигина бироз кўриниб қолди. Газеталар, журналлар, телевидение ва радио салбий ҳодисаларга қарши курашда ҳали аниқ-пухта, принципиал, жанговар позицияни эгаллагани йўқ.

Маданият органлари, ижодий союзлар, редакциялар ва нашриётлар жамоатчилик фикрини XVI пленум йўл-йўриқлари руҳида шакллантиришда бир мунча активроқ роль ўйнашлари лозим. Ҳаёт сиёсий ҳушёрликни, сергакликни, танқидий қарашни бирон дақиқа ҳам сусайтириш мумкин эмас деб ўргатмоқда. Шундай сергаклик йўқолган жойларда эса бадиий жиҳатдан ғўр, баъзида эса ғоявий жиҳатдан зарарли асарлар ҳам пайдо бўлади.

Ёзувчилар союзи ва бошқа ижодий союзларнинг партия ташкилотлари санъаткорни гражданлик руҳида, партиявий руҳда тарбиялаш учун ўз масъулиятини тўла даражада англаб олишлари, уни синфий бурчни равшан тушуниш руҳида камол топтиришлари керак. Комил Нўъмонов (Яшин) ўз нутқида жумладан ана шу ҳақда гапирди.

Ёшларни тарбиялаш соҳасида қилинадиган ишлар кўп. КПСС Марказий Комитетининг комсомолга раҳбарлик юзасидан қабул қилган қарори талаблари асосида ҳозирча содир бўлаётган силжишлар ҳали унча катта эмас. Комсомол ишида теранлик, оперативлик, янги формаларни қидириб топиш ҳамон етишмаяпти. Комсомол комитетлари ёшларнинг эзгу ниятлари ва фойдали ташаббусларини амалий ишлар билан ҳали суст мустаҳкамламоқдалар.

Кейинги вақтларда партия комитетлари маъмурий органларни кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўрдилар. XVI пленумдан кейин салкам икки ярим минг киши милицияга ишга ўтди, шуларнинг бешдан бир қисми коммунистлардир.

Пленум партия ташкилотларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига эътиборни кучайтиришларини, Совет қонунларини бузиш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйишларини талаб қилди. Одамларнинг социал-адолат тантана қилишига ишончи муқаддасдир. Бизда социализмнинг олий нормаларига амал қилиш қоида бўлиб қолиши керак. Ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрлари Бутуниттифоқ кенгашида айтиб ўтганидек, бугунги практикани ҳам, келгусидаги планларни ҳам ана шу нормаларга қиёслаш лозим. Бу ишончни умуман эмас, фақат тантанали ваъдалар билан эмас, балки конкрет ишлар билан доимо, мунтазам суратда қўллаб-қувватлаш зарур.

Марказий Комитет пленумида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар анализ қилинди. Кейинги вақтларда бир қанча партия ва совет органлари, ҳал қилувчи участкалар сиёсий етук ва малакали ходимлар билан мустаҳкамланди. Пленум қатнашчилари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишида тартиб ўрнатиш соҳасида катта ёрдам берганлиги учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Кадрлар билан ишлашда ўртоқ К. У. Черненконинг ҳозирги кадр сиёсати масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси маъқуллаган таклифлари ғоят катта аҳамиятга эга. Жумладан, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров шу ҳақда гапирди.

Республика партия ташкилоти суиистеъмол қилиш ва ахлоқий жиҳатдан бузилиш йўлига ўтаётган кимсалардан қатъият билан тозаланмоқда. Пленум барча партия комитетларидан хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига ўз ишини яхши биладиган сиёсий етук раҳбарлар бошчилик қилишларига сабот билан эришишларини талаб қилди.

Кўпгина партия комитетлари кадр масалаларини ҳал этишга ҳамон журъатсизлик ва қатъиятсизлик билан киришмоқдалар, айрим раҳбарларнинг номуносиб хулқ-атворидан кўз юммоқдалар. Шу муносабат билан пленумда Тошкент, Самарқанд область партия комитетлари ва бошқа бир қанча партия комитетлари танқид қилинди.

Камчиликларга қарши мураккаб ва қизғин курашда шаҳар ҳамда район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнайди. Марказий Комитет XVI пленумининг қарорларини ҳар бир коммунист онгига етказиш—уларнинг энг биринчи вазифасидир. Бу йўналишда ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Республика ҳаётида содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини ҳали ҳамма жойда ҳам чуқур англаб олишга эришилгани йўқ. Ишда сусткашлик қилаётган, камчиликларга муросасозлик қилаётган ташкилотлар ҳали ҳам бор.

Ўзбекистон партия ташкилоти республикада аҳволни соғломлаштириш йўлидан бориб, бу йўлнинг ярмида тўхтаб қолмайди, КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган вазифаларни шараф билан бажариш учун ҳамма ишни қилади.

Пленум коммунистлар XVI пленум якунларини муҳокама қилиш чоғида ва ҳисобот-сайлов кампанияси давомида билдирган барча танқидий мулоҳазалар ҳамда таклифлар амалга оширилишини жуда қаттиқ назорат остига олишни талаб қилди. Меҳнаткашларнинг хатлари ва аризаларини синчиклаб ҳамда холисона кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Кадрлар билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқиш чоғида қатъий талабчан контроллик ҳамда текшириш холислик ва ҳайрихоҳлик билан қўшиб олиб борилиши керак. Бу ишда ишончсизлик ва шубҳаланиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Ноҳақ ранжитиш, асоссиз жазолаш ходимларнинг бир қисми ўртасида ишончсизликни вужудга келтириши, уларни журъатсиз қилиб, қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанлигини пасайтириб юбориши мумкин. Айни вақтда соф виждонли кишиларнинг обрўйини тўкиш, уларни қўрқитиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъий зарба берилиши керак.

Пленум барча ходимлардан ўз ишларини ҳозирги талаблар руҳида дадилроқ қайта қуришларини, кўпроқ ташаббус ва мустақиллик кўрсатишларини, раҳбар бўлиш ҳуқуқини пировард натижалар билан тасдиқлашларини талаб қилди.

Республика партия ташкилоти олдида Марказий Комитет XVI пленуми қарорларини амалга ошириш борасида катта ва мураккаб вазифалар турибди. Бу вазифалар хилма-хил ва кенг кўламли вазифалардир. Пленум партия комитетлари зиммасига ўз фаолиятини дадилроқ қайта қуриш, кадрларга нисбатан яна ҳам юксакроқ талаблар қўйиш, ижобий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, белгиланган социал-иқтисодий вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига кишиларнинг ишончини мустаҳкамлашга куч-ғайрат сарфлаш, КПСС XXVII съездига тайёргарликни муносиб ишлар билан нишонлаш вазифасини юклади.

(ЎзТАГ).

# ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши биринчи бетда)

**ёрдамчи хўжалиги коллективи.** Бу коллектив ҳар бир ишловчи ходим ҳисобига 23 килограмм гўшт, 56 килограмм сут етиштириш ва реализация қилишга эришди, қорамолларни 324 тага, чўчқаларни 343 тага, қўй ва эчкиларни 466 тага, отлар сонини 146 тага кўпайтиришни таъминлади, ем тайёрлаш планини 105 процент ва хашак тайёрлаш планини 101 процент бажарди. Байроқ Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли «Чимган» болалар санаториясининг ёрдамчи хўжалигидан олиб берилади.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини уюштириш ва давлатга пахта топшириш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил 21 октябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

**Бекобод районида** (район партия комитетининг секретари Хатамов, район ижроия комитетининг раиси Қодиров, РАПО Советининг раиси Исабоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Қодиров, район комсомол комитетининг секретари Шукуралиев, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Умаров ўртоқлар). Бу районда давлатга пахта сотиш йиллик плани 85,61 процент, шу жумладан машина терими плани 58,45 процент бажарилган. Октябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 10,96 проценти, шу жумладан машина терими планининг 7,5 проценти миқдорида пахта топширилган.

**Бекобод районидаги «Далварзин» совхозида** (директори Ортиқов, партия ташкилотининг секретари Ҳожимирзаев, касаба союз комитетининг раиси Болтабоев, комсомол ташкилотининг секретари Раҳмонбердиев ўртоқлар). Бу совхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 79,36 процент, шу жумладан машина терими плани 47,67 процент бажарилган. Октябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 11,58 проценти, шу жумладан машина терими планининг 5,69 проценти миқдорида пахта топширилган.

**Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида** (раиси Соттибоев, партия ташкилотининг секретари Гинашев, касаба союз комитетининг раиси Саидалимов, комсомол ташкилотининг секретари Ҳамидов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 90,15 процент, шу жумладан машина терими плани 42,09 процент бажарилган. Октябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 13,62 проценти, шу жумладан машина терими планининг 14,57 проценти миқдорида пахта топширилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районидаги Навоий номли колхозга** (раиси Пирнафасов, партия ташкилотининг секретари Сайдуллаев, касаба союз комитетининг раиси Қурбонов, комсомол ташкилотининг секретари Дўсбеков ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 93,98 процент, шу жумладан машина терими плани 57,48 процент бажарилган. Октябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 13,94 проценти миқдорида, шу жумладан машина терими планининг 6,79 проценти миқдорида пахта топширилган.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бекобод районига, шу райондаги Навоий номли ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозларига, Бекобод районидаги «Далварзин» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

# ЗАВОД КАЛЕНДАРНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи беш йилликнинг якунловчи йили ҳисобига ишлай бошлади. Кўнчилар Улуғ Октябрнинг 67 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Меҳнатни бригада усулида ташкил этишнинг кенг жорий қилинганлиги меҳнат муваффақиятига эришиш йўлини очиб берди. Асосий технология жараёнида ишлаётган коллективларнинг деярли ҳаммаси пировард маҳсулотга қараб ягона наряд асосида ҳақ тўлашнинг шу формасини ўзлаштирди. Меҳнатни ташкил этишнинг бу формаси сунъий чарм участкасида айниқса яхши натижа берди.

Кўнчилар КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги Чақириқларига жавобан бу йил пландан ташқари қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, камида 100 минг киловатт-соат электр энергия, 20 тонна ёқилғи тежаш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

